

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

БОЗОРОВ АҲРОР ТУРАЕВИЧ

**РЕЗИНА ҚОРИШМАЛАРИ УЧУН МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН ФАОЛ
ТЎЛДИРУВЧИЛАР ВА ВУЛҚОНЛАШ ТЕЗЛАТГИЧЛАРИНИ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ҲАМДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бозоров Ахрор Тураевич

Резина қоришмалари учун модификацияланган фаол тўлдирувчилар ва вулканизация тезлаткичларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда қўлланилиши..... 3

Бозоров Ахрор Тураевич

Разработка и применение технологии получения модифицированных активных наполнителей и ускорителей вулканизации для резиновых смесей..... 21

Bozorov Ahror

Development and application of technology for obtaining modified active fillers and vulcanization accelerators for rubber compounds..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

БОЗОРОВ АҲРОР ТУРАЕВИЧ

**РЕЗИНА ҚОРИШМАЛАРИ УЧУН МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН ФАОЛ
ТЎЛДИРУВЧИЛАР ВА ВУЛҚОНЛАШ ТЕЗЛАТГИЧЛАРИНИ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ҲАМДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Т3441 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.iktiti.uz) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталда (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Соттиқулов Элёр Сотимбоевич техника фанлари бўйича фалсафа доктори, к.и.х.
Расмий оппонентлар:	Жураев Асрор Бахтиёр ўгли техника фанлари доктори, доцент. Тешабаева Элмира Убайдуллаевна техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc16/30.12.2019.К/Т.87.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «29» 08 соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111116, тошкент тумани Ибрат МФЙ, Шўробозор. Тел.: (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин. (№ 2023/24 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111116, Тошкент тумани Ибрат МФЙ, Шўробозор. Тел.: (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz.

Диссертация автореферати 2023 йил «14» 08 кун тарқатилди.
(2023 йил «14» 08 даги 2023/24 рақамли реестр баённомаси)



Джалилов А.Т.
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., проф., академик

Ширинов Ш.Д.
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби,
т.ф. PhD., к.и.х.

Бекназаров Х.С.
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда органик модификаторлар билан модификацияланган кремний (IV) оксиди ва вулқонлаш тезлатгичлари, резинатехника саноати, пластмассалар ишлаб чиқариш, рангли металлургия, машинасозлик, фармацевтика, озиқ-овқат саноати ҳамда кимё саноатининг турли жабҳаларида қўлланиб келинмоқда. Шу билан бирга, модификацияланган кремний (IV) оксиди ва вулқонлаш тезлатгичлари, резинатехника ва пластмасса буюмлари ишлаб чиқаришда, уларнинг физик-механик хоссаларини оширишда, шунингдек, ёруғлик ва иссиқликка чидамли, юқори кимёвий барқарор бўлган лок-бўёқлар олишда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунёда кремний (IV) оксидининг хоссаларини яхшилаш учун полиэлектролитлар билан ишлов бериш, модификациялаш ва улардан самарали фойдаланиш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, модификацияланган кремний (IV) оксиди синтез жараёнини соддалаштириш ва хавфсиз усулларини ишлаб чиқиш, резина қоришмаларининг мустаҳкамлиги ва физик-механик хоссаларини ўзгартира оладиган, дисперслиги юқори бўлган янги турдаги кремний оксидини олиш ва қўллаш соҳаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда юқори сифатли резинатехника маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кенг қамровли чора-тадбирлар, уларга бўлган талабни таъминлашга қаратилган, илмий ва амалий ишлар амалга оширилиб, янги ишлаб чиқариш қувватлари яратилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, амалиётда кам сарфли энергия тежамкор усулларни қўллаш, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, органик модификаторлар билан модификацияланган кремний (IV) оксиди ва вулқонлаш тезлатгичлари иштирокида резинатехника буюмлари, полимер маҳсулотлар, лок-бўёқ материалларини олиш бўйича илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Мутлақо янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, шу асосда ташқи ва ички бозорларда рақобатбардош маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлаш» га қаратилган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПҚ-307-сонли қарорининг¹ 3-иловасида “Маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда кремний (IV) оксиди хом ашёсини олиш ва технологиясини яратиш” муҳим вазифалар этиб белгиланган. Бу борада маҳаллий хомашёлар асосида кремний (IV) оксидини ишлаб чиқариш учун иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПҚ-307-сон «2022-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

тоза технологияларни ишлаб чиқишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси ва хорижда сўнги йилларда модификацияланган кремний (IV) оксиди ва вулқонлаш тезлатгичларини синтез қилиш бўйича бир қатор олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Модификацияланган кремний (IV) оксидини ва вулқонлаш тезлатгичларини синтези ва қўлланилиши бўйича хорижий олимлар Кутишева Е.С., Вавилов В.В., Габдуллин А.Н., Селяев В.П., Бочевская Е.Г., Салимжанова М.Н., Казансова В.А., Наседкин В.В., Шабанова Н.А., Черевина Т.М., Деревянко В.В., Раҳман И.А., Гао Х., Скачкова В.К., Власов В.А., Космачев П.В., Ненашева Д.Р., Мелников Б.И. ва бошқа олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Республикамизда резина саноатида қўлланиладиган ингредиентлар олиш, синтез жараёнларини ва қўллашдаги оптимал шароитлари, ушбу ингредиентларни резина қоришмалари ва резинатехник буюмларининг турли хоссаларига таъсирларини ўганиш бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Мазкур соҳа Ибодуллаев А.С., Джалилов А.Т., Тешабаева Э.А., Нигматов С.С., Юлдашов Д.Я., Аминов Ш.С., Юсуфбеков А.Х., Нурқулов Ф.Н. ва бошқа олимларнинг турли йилларда олиб борилган илмий изланишлари асосида ривожланиб бормоқда. Уларнинг тадқиқотлари резина композициялари учун турли ингредиентлар олиш ва уларни резина композицияларига таъсир механизмларини ўрганишга асосланган.

Шу билан бирга, маҳаллий хомашёлар асосида янги, таннархи арзон, модификацияланган кремний (IV) оксиди ва вулқонлаш тезлатгичлари турларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А12-003 «Таркибида кремний сақлаган полимерлар ва органик бўёқлар ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш» (2019-2021 йй.), мавзусидаги амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади резина қоришмалари учун модификацияланган фаол тўлдирувчилар ва вулқонлаш тезлатгичларини олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

резина қоришмаларида фаол тўлдирувчи сифатида фойдаланиладиган модификацияланган кремний (IV) оксидини бир босқичда олиш учун

поликарбонат асосли полиэлектролит синтез қилиш, унинг юқори дисперсли кремний оксиди олишдаги аҳамиятини ва таъсирини ўрганиш;

поликарбонат асосли полиэлектролитлар олиш ва улар ёрдамида натрий силикат (суяқ шиша), сульфат кислота, кальций тузлари иштирокида кремний (IV) оксидини олиш, органик модификаторлар билан модификациялаш;

полиэлектролит иштирокида, бир босқичда олинган кремний (IV) оксидини НТ168, 201, 301-Т1, 301-Л ва 301-Т3 маркали стандарт резина қоришмаларида қўллаш, ундан олинган резинанинг хоссаларини стандарт техник кўрсаткичларга мослаштириш;

органик модификаторлар билан модификациялаб олинган кремний (IV) оксидини резина қоришмаларида фаол тўлдирувчи сифатида конвейер тасмалари ишлаб чиқаришда қўллаш;

маҳаллий хомашёлар асосида вулканизация тезлаткичлари олиш ва уларни импорт қилинадиган N-трет-бутил-2-бензотиазолсульфенамид тезлаткичи ўрнида резина қоришмаларида қўллаш ҳамда олинган резинанинг физик-механик хоссалари ўрганиш;

бир босқичда юқори дисперсли кремний (IV) оксиди олиш ва органик модификаторлар билан модификациялаш технологияси ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида полиэлектролитлар, органик модификаторлар, акрил кислота, малеин ангидриди, каучуклар, пластификаторлар, тўлдирувчилар, тезлаткичлар, натрий силикат (суяқ шиша), сульфат кислота, хлорид кислота, ортофосфат кислота, кальций хлорид, кальций нитрат, мочевино, аммоний гидроксид, олтингурут, рух оксиди олинган.

Тадқиқотнинг предмети органик модификаторлар, махсус органик полиэлектролитлар ёрдамида, натрий силикат (суяқ шиша), сульфат ва хлорид кислота, кальций тузлари иштирокида кремний (IV) оксидини олиш, органик модификаторлар билан модификациялаб олинган кремний (IV) оксидини ва мочевино, аммоний гидроксид, ортофосфат кислота, олтингурут, рух оксиди асосида синтез қилинган вулканизация тезлаткичларини резина қоришмаларига тадбиқ қилган ҳолда уларнинг кимёвий, физик-механик хоссаларини ўрганиш ва резинатехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатида қўллаш ташкил этган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар натижасида олинган моддаларнинг тузилиши ва хоссаларини тадқиқ этишнинг замонавий усуллари, жумладан, физик-механик усуллар, сканерловчи электрон микроскопия (СЭМ), элемент таҳлил, инфрақизил спектроскопия (ИК-спектроскопия), термогравиметрия (ТГ) ва дифференциал сканерловчи калориметрия (ДСК) ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

органик полиэлектролит ва натрий силикат асосида резина қоришмалари учун юқори дисперсли кремний оксиди олиниб, унинг янги самарали усули

ишлаб чиқилган ҳамда ISO 3262-19, ISO 787-9, ISO 782-2, ISO 787-8, ISO 37 стандартларига мослиги аниқланган.

бир босқичда олинган кремний оксиди модификацияланиб, резина қоришмаларида қўлланилганда олинган резинанинг физик-механик ҳамда реологик хоссаларини яхшилаши исботланган.

таркибида олтингугурт, азот, фосфор сақлаган бирикмалар синтез қилинган ва импорт вулқонлаш тезлатгичлари ўрнида резина қоришмаларининг вулқонланиш жараёнида қўллаш мумкинлиги исботланган.

маҳаллий хомашёлар асосида янги органик модификаторлар билан модификацияланган юқори дисперсли кремний оксиди ва вулқонлаш тезлатгичлари олишнинг иқтисодий самарадор технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

органик полиэлектролит иштирокида бир босқичда олинган кремний (IV) оксиди асосида НТ168, 201, 301-Т1, 301-Л ва 301-Т3 маркали стандарт резина қоришмалари олиниб, ундан олинган резинанинг хоссалари стандарт техник кўрсаткичларга мос эканлиги аниқланган;

органик модификаторлар билан модификацияланган кремний (IV) оксидини резина қоришмаларида фаол тўлдирувчи сифатида қўллаш, конвейер тасмалари ишлаб чиқаришда юқори самарали эканлиги аниқланган;

маҳаллий хомашёлар асосида вулқонлаш тезлатгичлари олинган ва улар резина қоришмаларида фойдаланилган ҳамда ушбу маҳаллий вулқонлаш тезлатгичлари импорт қилинаётган N-трет-бутил-2-бензотиазолсульфенамид тезлатгичи ўрнида қўллаш орқали резина қоришмаларининг физик-механик хоссаларига бўлган таъсирлари аниқланган;

бир босқичда поликарбонат полиэлектролити билан кремний (IV) оксиди олиш ва органик модификаторлар билан модификациялашнинг иқтисодий жиҳатдан самарадор технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синтез қилинган бирикмалар структураси ва хоссаларини термогравиметрик, дифференциал термик (LABSYS EVO STA дериватограф), сканерловчи электрон микроскопия, элемент таҳлили, ИҚ-спектроскопия (IR Трасер-100) каби физик-кимёвий таҳлил қилишнинг замонавий усуллари қўллаш натижалари билан аниқланган, шунингдек, олинган натижаларни қиёсий таҳлил асосида маҳаллий ишлаб чиқариш амалиётига мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти органик полиэлектролитлар, натрий силикат (суяқ шиша), сульфат кислота, хлорид кислота, кальций тузлари ва органик модификаторлар ёрдамида кремний (IV) оксидини олиниши, шунингдек, уларнинг тузилиш ва хоссаларини аниқлаш ҳамда иқтисодий самарадор ишлаб чиқариш технологиясининг илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти органик модификаторлар билан модификацияланган кремний (IV) оксиди ва вулқонлаш тезлатгичлари резина техника буюмлари ишлаб чиқариш саноатида, автомобил, қишлоқ

хўжалик шиналари ва конвейер тасмалари олишда, уларни физик-механик хусусиятларини яхшилаш ҳамда хизмат муддатини оширишда қўллашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Органик модификаторлар билан модификацияланган кремний (IV) оксиди олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

модификацияланган кремний оксиди «Биринчи резинотехника заводи» МЧЖ нинг резина қоришмалари олиш цехида амалиётга жорий қилинган («Биринчи резинотехника заводи» МЧЖ нинг 2022 йил 14 декабрьдаги 07-1799 сон маълумотномаси). Натижада корхонада импорт ўрнини босувчи маҳаллий хомашёдан фойдаланиш имконини берган;

полиэлектролит ёрдамида ва органик модификатор билан модификациялаб олинган кремний оксиди «Биринчи резинотехника заводи» МЧЖ ХК нинг конвейер тасмалари ишлаб чиқариш цехида амалиётга жорий қилинган («Биринчи резинотехника заводи» МЧЖ ХК нинг 2023 йил 9 февралдаги 07-11/3-179 сон маълумотномаси). Натижада, олинган конвейер тасмаларининг таннархини пасайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, шундан 6 та халқаро ва 5 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан, 3 та Республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотлар долзарблиги, зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган ҳамда республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Органик модификаторлар билан модификацияланган кремний (IV) оксидининг хоссалари, синтези, қўлланилиши ҳамда ишлаб чиқариш истиқболлари”** деб номланган биринчи бобида полиэлектролит олиниши, қўлланиши, модификаторларнинг кремний оксиди хоссаларига таъсири ва аҳамияти, модификацияланган

кремний (IV) оксидининг хоссалари, олиниши, саноатнинг турли жабҳаларида, резина маҳсулотлар олишда қўлланилиши, шу билан бирга вулқонлаш тезлатгичларини синтези, уларнинг хоссалари ва тадқиқотчи танлаган объектга яқин мисоллар адабийётлар шарҳида ёритилган. Таниқли олимлар томонидан олиб борилган илмий ишлар ва эълон қилинган нуфузли мақола ҳамда патентлар таҳлил қилиниб, танланган мавзу асосланган.


Диссертациянинг **“Полиэлектролит, модификацияланган фаол тўлдирувчи кремний оксиди, вулқонлаш тезлатгичлари синтези ва уларни тадқиқ қилиш”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектларини танлаш ва синтез жараёнлари, шу билан бирга синтез қилинган маҳсулотларнинг физик-кимёвий таҳлиллари, жумладан, ИҚ-спектроскопия, СЭМ, электроколориметрия ҳамда умумий физик-кимёвий усуллари келтирилган.

Юқори молекуляр массали полиэлектролитни синтез қилиб олиш учун акрил кислотадан 29,2 грамм, малеин ангидридан 10,4 грамм ва 37,2 грамм сув билан тиниқ бир хил масса бўлгунича аралаштирилади, шундан сўнг 0,02 грамм миқдорида натрий персульфат (инициатор) қўшиб 77°C ҳароратда сополимерланиш жараёни амалга оширилди. Сўнгра олинган юқори молекуляр массали сополимер натрий гидроксид билан ишлов берилади, бунда реакция механизми қуйидагича амалга ошади.




Синтез қилинган органик полиэлектролит сувда яхши эрийди. Ушбу полиэлектролит кремний оксидини олишда муҳим аҳамиятга эга, сабаби кремний оксидини олиш жараёнида масса гелсимон, яъни полисиликагел ҳолатига ўтиб кетиш ҳолатлари олдини олади ва молекуляр массаси паст бўлган кремний оксидини олиш имкониятини беради.

Акрил кислота ва малеин ангидрид асосида натрий персульфат инициатори ёрдамида синтез қилиб олинган юқори молекуляр массали органик полиэлектролитнинг инфрақизил спектрида қуйидаги ютилиш соҳалари кўринади: –С–Н– тегишлили ютилиш чўққиси 1433,11 см⁻¹ ва 3057,17 см⁻¹ соҳаларида намоён бўлди, 2162,20 см⁻¹ соҳасидаги ютилиш чўққиси –С–О– гуруҳига тегишли, 1456,26 см⁻¹ ва 2686,84 см⁻¹ соҳаларидаги ютилиш чўққилари –СН₂–гуруҳига тегишли. 1583,56 см⁻¹ ва 1556,55 см⁻¹ соҳаларидаги ютилиш чўққилари –С–С– гуруҳига тегишли. 1219,01 см⁻¹ соҳасидаги ютилиш чўққиси –COONa гуруҳига тегишли эканлиги аниқланди (1-расм).




1-расм. Акрил кислотаси ва малеин ангидридини ўзаро 1:1 моль нисбатдаги реакцияси маҳсулотининг ИҚ-спектри


Бир босқичли чўктириш усули билан паст молекуляр массали кремний оксидини олиш учун юқори молекуляр массали органик полиэлектрولитдан фойдаланилган. Кремний оксиди синтезида 2 кг суюқ шиша (маҳаллий ишлаб чиқарувчи, ГОСТ 13078-81, силикат модули 1,8) фрезалаш типигади электромеханик аралаштиргич билан жиҳозланган зангламайдиған пўлатдан ясалған реакторда 8 литр сувда эритилди, аралаштиргич тезлиги частота конвертори томонидан бошқарилади. Суюқ шиша эриганидан сўнг реакцион масса шаффоф ҳолатга келади. Кейин реакторга 40 грамм миқдорида юқори молекуляр массали органик полиэлектрولитнинг 50% ли сувли эритмаси қуйилади ва 60 айл/дақ частотада 10 дақиқа давомида яхшилаб аралаштирилади. Суюқ шишага сувли муҳитда органик полиэлектрولит билан ишлов берилгандан сўнг, унга кучли ишқорий муҳитдан нейтрал ҳолга келгунча 93% сульфат кислота эритмаси таъсир эттирилди (аралаштиргич тезлиги 1200 айл/мин дан ортик). Натижада кремний оксидининг сувли суспензияси ва натрий сульфат тузи эритмаларининг аралашмаси ҳосил бўлади. Юқори молекуляр массали органик полиэлектрولит суюқ шишани нейтраллаш жараёнида поликремний кислотаси ҳосил бўлиб, молекуляр массасини ортиб кетишини олдини олади.



Синтез қилинган полиэлектрولит кремний оксиди синтези жараёнида суюқ шишадан сульфат кислота иштирокида қайтарилган кремний оксиди зарралари устида электростатик барьер ҳосил қилади, натижада ҳосил бўлган зарраларнинг ўзаро бир-бири билан бирикиб, тўпланиб кетиши, яъни коагуляциясининг олди олинади.



2-расм. Полиэлектрولит микдорининг реакция унумига таъсири




3-расм. Сульфат кислота концентрациясининг реакция унумига таъсири


Бир босқичда модификациялаб кремний оксидини олишда, суюқ шиша массасига нисбатан 0,1% микдорда полиэлектрولитдан фойдаланилганда маҳсулот унуми 10% ташкил этди (2-расм). Синтез жараёнида энг юқори (90%) унумга эришиш учун фойдаланилган полиэлектрولитнинг микдори 1% ни ташкил қилмоқда, шунга асосан бир босқичда органик модификаторлар билан модификацияланган кремний оксидини синтез қилиш учун фойдаланиладиган органик полиэлектрولитнинг оптимал микдори 1% эканлиги аниқланди.

Бир қарра сульфат кислотали чўктириш усулида модификациялаб кремний оксидини олишда (3-расм) 5% ли сульфат кислота эритмасидан фойдаланилганда реакция унуми 10% ни намоеён қилди. Синтез жараёнида энг юқори (90%) унумга эришиш учун фойдаланилган сульфат кислота концентрацияси 25% ни ташкил қилмоқда, унга кўра бир босқичда органик модификаторлар билан модификацияланган кремний оксидини синтез қилиш учун фойдаланиладиган сульфат кислотаси эритмасининг оптимал концентрацияси 25% эканлиги аниқланди.

Бир қарра чўктириш усулида органик модификаторлар билан модификациялаб олинган кремний (IV) оксиди ва импорт қилиб олиб келинаётган кремний оксидларининг ИҚ-спектрлари таҳлили билан ўзаро солиштириб ўрганилди (4- ва 5-расм).



4-расм. Импорт қилиб олиб келинаётган кремний оксидининг ИҚ-спектри




5-расм. Бир қарра чўктириш усулида синтез қилинган кремний (IV) оксидини ИҚ-спектри


Бунда, маҳаллий хомашёлар асосида бир қарра чўктириш усули билан синтез қилиб олинган кремний (IV) оксидининг инфрақизил спектрида куйидаги ютилиш соҳалари кўринади: -Si-O- тегишлили ютилиш чўққиси 1055,06 см⁻¹ соҳасида намоён бўлмоқда, 1635,64 см⁻¹ соҳасидаги ютилиш чўққиси гидроксил (O-H, HO-H) гуруҳига тегишли, 945,12 см⁻¹ ва 3000-3500 см⁻¹ соҳаларидаги ютилиш чўққилари кремний (IV) оксидининг юза қисмидаги (Si-O)-OH гидроксил гуруҳига ва органик модификаторнинг гидроксил гуруҳига тегишли. 790,8 см⁻¹ соҳасидаги ютилиш чўққиси кислород-кремний-кислород (O-Si-O) гуруҳига тегишли эканлиги аниқланди.

Мочевина ва аммоний гидрофосфат асосида вулқонлаш тезлатгичи синтези. Вулқонлаш тезлатгичларини маҳаллий хомашёлар асосида синтез қилиб олиш учун 120 грамм мочевинани 130-140 °С ҳароратда тиниқ эритма ҳолига келгунича тўлиқ эритиб олинди, сўнгра 132 грамм аммоний гидрофосфат тузи солиб аралаштирилди, бунда реакция 140-150 °С ҳароратда олиб борилди, ҳарорат таъсирида бир-бири билан тўлиқ реакция кетгунича доимий аралаштириб турилди ва мочевина асосидаги аддукт синтез қилиб олинди. Олинган аддуктни 130-140 °С ҳароратда эритиб олинди ва 5-10 грамм дан олтингугурт ҳамда рух оксиди солиб доимий аралаштириш орқали реакция давом эттирилди, натижада таркибида олтингугурт, азот, фосфор, рух сақлаган маҳаллий вулқонлаш тезлатгичи олинди.

Мочевина ва аммоний гидрофосфат асосидаги вулқонлаш тезлатгичини (BT) ИҚ-спектр натижалари олиниб таҳлил қилиб ўрганилди.



1-аддукт, олтингугурт, рух оксиди асосида олинган BT; 2-аддукт



6-расм. Синтез қилинган аддукт ва ундан синтез қилинган вулқонлаш тезлатгичининг ИҚ-спектри ва реакция механизми

Бунда, маҳаллий хомашёлар асосида синтез қилиб олинган вулқонлаш тезлатгичини инфрақизил спектрида қуйидаги ютилиш соҳалари кўрилади: - CONHR тегишли ютилиш чўққиси 3454,5 см⁻¹ соҳасида намоён бўлмоқда, 2358,94 см⁻¹ ва 1681,93 см⁻¹ соҳасидаги ютилиш чўққилари –Zn–S– гуруҳига тегишли, 1622,13 см⁻¹ соҳасидаги ютилиш чўққиси –N–Zn– гуруҳига тегишли, 1435,04 см⁻¹ соҳасидаги ютилиш чўққиси –C–O– гуруҳига тегишли, 1062,78 см⁻¹ соҳасидаги ютилиш чўққиси P=O гуруҳига тегишли эканлиги адабиётлар асосида таҳлил қилинди.

Диссертациянинг **“Органик модификаторлар билан модификацияланган фаол тўлдирувчи кремний (IV) оксидининг тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси”** деб номланган учинчи бобида маҳаллий хомашёлар асосида синтез қилинган, модификацияланган кремний (IV) оксиди резина қоришмаларида қўлланилганда, олинган резинанинг реологик хоссаларига таъсирлари таҳлил қилинган, шу билан бирга синтез қилинган вулқонлаш тезлатгичлари импортдан келадиган вулқонлаш тезлатгичи ўрнида қўлланилиб, олинган натижалар ўрганилган ва махсус стандартлар асосида таҳлил қилинган.

Маҳаллий хомашёлар асосида бир карра сульфат кислоталаи чўктириш усулида олинган кремний (IV) оксиди полиэтиленгликол (ПЭГ) модификатори билан модификацияланди, сўнгра ПЭГ билан модификацияланган кремний оксидининг физик-кимёвий таҳлиллари ўрганилди ва таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Полиэтиленгликол модификатори билан модификацияланган кремний оксидининг физик-кимёвий таҳлил натижалари

№	Синов номлари	Кўрсаткичлар		Техник метод
		Талаб этилган техник норма	Амалда	
1	Юқори ҳароратдаги масса йўқотилиши 1000°C, % ≤	7.0	5	ISO-3262-19
2	pH қиймати 5 %ли эритмадаги	5.5-8	8.0	ISO 787-9
3	105°C ҳароратдаги масса юқотилиши, %	4.0-8.0	5.2	ISO 787-2
4	Сувда эрувчан моддаларнинг масса улуши, % ≤	2	1.7	ISO-787-8

Полиэтиленгликол модификатори билан модификацияланган кремний оксидининг физик-кимёвий таҳлили натижаларининг техник талабларга мувофиқлигини амалда олинган натижа билан изоҳлаш мумкин.

Юқоридаги физик-кимёвий синов ишларидан сўнг полиэтиленгликол модификатори билан модификациялаб олинган кремний оксидини фаол тўлдирувчилик хусусиятини ва резина қоришмаларининг физик-механик хоссаларига таъсирини аниқлаш мақсадида НТ168 маркали резина қоришмасининг рецептурасига асосан резина қоришмалари тайёрлаб олинди ва синов-тажриба ишлари ўтказилиб, қуйидаги 2-жадвалда келтирилди.

НТ168 маркали резина қоришмасининг физик-механик синов натижалари

№	Ўтказилган синов-тажриба ишларининг номлари	Стандарт техник кўрсаткичлар	Амалда
1	Вулқонланиш кинетикаси (185°C*мин.) (Реометр синови, вулқонланиш жараёни)	T30/s	48-66
		T60/s	62-84
		ML/dN·m	1,9-3,2
		MH/dN·m	8,0-15,0
2	Қовушқоқлиги ML(1+4)100°C	60-86	76.5
3	Вулқонлаш даври t5 (127°C)	12-24	15.51
4	Қаттиқлик даражаси (180°C*6мин.)	59-66	63
5	Зичлик 23°C (180°C*6 мин.)	1,168-1,188	1.178
6	Чўзилишдаги нисбий узулиш % ≥	350	382
7	Узилиш-чўзилишдаги мустақамлик ≥Mра	13	14
8	Эластиклик модули	M100% ≥	1,5
		M300% ≥	7

Бир босқичда синтез қилинган ва полиэтиленгликол модификатори билан модификацияланган фаол кремний оксиди асосида олинган НТ168 маркали резина қоришмасининг физик-механик кўрсаткичлари талаб этилган стандартларга мувофиқ келганлигини юқоридаги 2-жадвалдан кўриш мумкин.

Бир вақтнинг ўзида импорт қилинган кремний оксиди ва фтал ангидрид модификатори билан модификацияланган кремний оксидларидан стандарт рецептура асосида 301-L маркали резина қоришмалари тайёрлаб олиниб валъц жихозидан резина қоришмалари лист кўринишида чиқариб олинди ва кейин резина қоришмалари хона ҳароратида 4-8 соат тиндирилди. Шундан сўнг импортдан келтирилган ва маҳаллий кремний оксидлари асосида тайёрлаб олинган 301-L маркали резина қоришмасининг вулқонлаш жараёни кинетикаси синовлари ўтказилди, натижалар таққосланиб 3-жадвалда келтирилди.

301-L маркали резина қоришмасининг вулқонлаш жараёни кинетикаси

№	Синов номи	Талаб этилган техник норма	Импорт орқали келтирилган кремний (IV) оксиди асосида олинган резина қоришмаси	Маҳаллий кремний (IV) оксиди асосида олинган резина қоришмаси
1	Вулканланиш жараёни, 180°C*4 мин			
	T10/s	38-75	65,06	53,72
	T90/s	80-160	147,41	149,39
	ML/dNm	0,6-2	1,13	1,21
	MH/dNm	4,5-12,3	8,12	7,74

Фтал ангидриди билан модификацияланган кремний (IV) оксиди асосида олинган резина қоришмасининг техник кўрсаткичлари талаб этилган техник нормаларга мувофиқлиги аниқланди.

Бир қарра чўктириш усулида ва органик модификаторлар билан модификациялаб олинган кремний (IV) оксидидан лаборатория шароитида

201, 301-L, 301-T3, 301-T1 маркали резина қоришмалари стандарт рецептурага асосан тайёрлаб олиниб, синов-тажриба жараёнлари ўтказилди, натижалар эса қуйидаги 4-жадвалда келтирилди.

4-жадвал

201, 301-T1, 301-L, 301-T3 маркали резина қоришмаларининг физик-механик синов натижалари

№	Резина қоришмаларининг номланиши	Вулқонлаш кинетикаси T-180°C, t-4 мин			
		ML dNm	MH dNm	T10/s	T90/s
1	201 маркали резина қоришмасининг стандарт техник кўрсаткичлари	3,5	25	77	205
		2,0	20,14	60	170
		1,0	14	43	135
	Амалда	1,79	20,36	53,82	177,95
2	301-T1 маркали резина қоришмасининг стандарт техник кўрсаткичлари	2,5	17,2	72	150
		1,8	13,8	55	115
		1	10,4	38	80
	Амалда	1,01	11,75	57,89	118,55
3	301-L маркали резина қоришмасининг стандарт техник кўрсаткичлари	2	12,3	75	160
		1,3	8,4	57	120
		0,6	4,5	38	80
	Амалда	1,34	10,33	51,54	130,27
4	301-T3 маркали резина қоришмасининг стандарт техник кўрсаткичлари	2,9	11	64	245
		2,3	8,7	49	207
		1,4	6,3	34	165
	Амалда	1,81	10,73	48,05	201,58

Физик-механик кўрсаткичларини солиштириш мақсадида импортдан олиб келтирилган вулқонлаш тезлатгичи N-трет-бутил-2-бензотиазолсулфенамид (TBBS) ва маҳаллий вулқонлаш тезлатгичларидан резина қоришмалари тайёрланди. Уларнинг физик-механик кўрсаткичлари таққослашлар келтирилди.

5-жадвал

Импорт қилинган ва маҳаллий вулқонлаш тезлатгичлари асосида олинган резина қоришмаларининг физик-механик кўрсаткичлари


№	Синов номлари	Эталон-1	МВТ-10	МВТ-15	
1	Вулканланиш жараёни 185°C да 3 минутда				
	T30/	38,63	34,26	3,55	
	T60/s	49,33	55,19	51,03	
	ML/dN·m	2,84	2,66	2,70	
	MH/dN·m	15,98	14,91	15,84	
2	Муни бўйича қовушқоқлиги (1+4) 100°C	94,54	103,44	101,95	
3	Муни бўйича вулканланиш даври скорч T5 (127°C)	23	23,43	23,21	
4	Шарти чўзилишдаги мустаҳкамлик, ≥МПа	13	13,35	14,36	
5	Нисбий узайиш, ≥%	384	394,15	398,89	
6	Қаттиқлик (Шору А)	67	58	59	
7	Эластиклик модули, МПа	100%	1,21	1,317	1,508
		300%	8,41	8,74	9,66

Олинган резина қоришмаларининг барча синов тажриба натижалари 6-жадвалда келтирилди ва олинган намуналар қуйидагича: Эталон-1, МВТ-10, МВТ-15 номланган.

Юқоридаги синов тажриба натижалари шуни кўрсатдики, маҳаллий вулконлаш тезлатгичлари ва модификацияланган кремний оксиди асосида олинган резина қоришмаларининг физик-механик кўрсаткичлари импорт қилиб олиб келинган N-трет-бутил-2-бензотиазолсулфенамид тезлатгичи иштирокида олинган резина қоришмаларининг кўрсаткичлари билан ўзаро солиштирилганда, натижалар бир-бирига тенг эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Резина қоришмалари учун модификацияланган фаол кремний оксиди ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий самарадорлиги ва технологик схемаси”** деб номланган тўртинчи бобида, маҳаллий хомашёлардан модификацияланган кремний оксиди синтез қилиш ва модификациялаш жараёнлари, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ёритилган ҳамда иқтисодий самарадорлик ҳисоблаб, батафсил ифодаланган.

Маҳаллий кремний оксиди учун тавсия этилган технологик схеманинг ўзига хос хусусияти ва устунлиги шундаки, технологик жараённинг самарали ва содда усулда амалга оширилганлиги, реакторни стандарт материаллардан ишлаб чиқариш қулайлиги, технологик жараённинг соддалиги. Кремний оксиди олиш, хомашёларни бирин-кетин аралаштириш усулида ва технологияларни янада соддалашган тартибда олиб борилди. Ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси 7-расмда келтирилди.



1 – сув учун сигим; 2 – сульфат кислота учун сигим; 3 – суюқ шиша учун сигим; 4 – совутиш қатламли реактор; 5 – полиэлектролит учун сигим; 6 – тиндириш учун сигим; 7 – модификатор учун сигим; 8 – центрифуга; 9 – қуришиш шкафи; 10 – модификациялаш қурилмаси; 11 – дезинтиргатор; 12 – тайёр маҳсулот

7-расм. Органик модификаторлар билан модификацияланган кремний оксиди ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси.

Маҳаллий органик модификаторлар билан модификацияланган кремний оксидини олиш учун (7-расм) рецепт бўйича 1, 3 дозаторлардан сув ва суюқ шиша керакли микдорда ўлчаниб, 4-юқори айланиш тезлигига эга диссольтвер

типидаги реакторда қуйилиб, аралаштириш давомида 5-сифимдан органик полиэлектрولит солиниб, суюқ шиша билан бир хил тиниқ эритма ҳолатига келгунича аралаштирилади, бундан кўзланган асосий мақсад, реакцион аралашмада ҳосил бўлаётган кремний оксидини молекуляр массаси ортиб гелсимон, полисиликат ҳолатига ўтиб кетиш олдини олишдан иборат. Сўнгра 2-сифимдан сульфат кислота солинади, бунда жараён иссиқлик ажралиши билан боради, яъни экзотермик реакция бўлганлиги ва ҳарорат таъсирида кремний оксидлари бир-бири билан бирикиб молекуляр масса ўсиб кетмаслиги учун совуқ сув билан совитиладиган механизмли реакторда олиб борилади. Кейин суюқлик тиндириш учун 6-сифимга юборилади, сув билан бир неча бор ювилади, сўнгра хомашё 8-центрифугадан ўтказиб, ортиқча сувдан тозаланилади, сўнгра 9-қуритиш шкафида босқичма-босқич қуритилади, ҳамда термик ишлов берилади, шундан сўнг 10-модификациялаш қурилмасига 7-сифимдан модификатор солиниб модификациялаб олинади, модификацияланган кремний оксиди 11-дезинтиргаторда юқори дисперслик даражасига келгунуча майдаланади. Тайёр махсулот қадоқланиб 12-омборга ўтказилади.

6-жадвал

1 тонна модификацияланган кремний оксидини ишлаб чиқариш учун хомашёлар нархи

№	Хомашёлар номи	Хомашёлар нархи 1 кг учун, сўм	1 тонна кремний оксиди ишлаб чиқариш учун талаб этилаётган хомашёлар миқдори, кг	1 тонна кремний оксиди ишлаб чиқариш учун талаб этилаётган хомашёлар нархи
1	Натрий силикат (суюқ шиша)	1700	4000	6800000
2	Полиэлектрولит	60000	24	1440000
5	Сульфат кислота	1000	1000	1000000
4	Модификатор	20000	68	1360000
Жами				10600000

6-жадвалда 1 тонна кремний оксидини ишлаб чиқариш учун дастлабки хомашёлар нархлари **10 600 000** сўм эканлиги ҳисобланди.

7-жадвал

1 тонна модификациялаб олинган кремний оксидининг таннархи

№	Номланиши	Нархи, сўм
1	Ишчилар маоши	1600000
2	Ягона ижтимоий тўлов 25%	400000
3	Хомашё нархи	10600000
4	Кўшимча ҳаражатлар	1000000
5	Кўзда тутилмаган ҳаражатлар	500000
6	Фойда	1410000
Жами		15510000
7	Солиқ 15%	1861200
Умумий		17371200

Юқоридаги 7-жадвалда модификацияланган кремний оксидини ишлаб чиқариш учун барча харажатлар, ишлаб чиқариш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланиб, тайёр маҳсулотнинг 1 тоннаси учун қиймат **17371200** сўмга тенг эканлиги ҳисоблаб топилди. Демак 1 кг модификацияланган кремний оксидининг нархи 17371,2 сўмга тенг.

8-жадвал

Модификацияланган кремний оксиди таннархини импорт қилинаётган шу турдаги кремний оксидининг таннархи билан солиштирилган жадвали

№	Номи	Ўлчов бирлиги	Импорт қилиб олиб қилинаётган хомашё нархи	Маҳаллий хомашё нархи	Фарқ, сўм
			1 кг маҳсулот нархи, сўм	1 кг маҳсулот нархи, сўм	
1	Кремний оксиди	кг	22000	17371,200	4628,8

Синтез қилиб модификацияланган кремний оксидини импорт ўрнини босувчи кремний оксиди сифатида қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш формуласи қуйдагича келтирилади:

$$\mathcal{E}_{\text{эфф}} = (Q_{\text{имп}} - Q_{\text{син}}) \cdot C$$

Бу ерда: $Q_{\text{имп}}$ – 1 тонна импорт қилинадиган кремний оксидининг таннархи ўзбек сўмида

$Q_{\text{син}}$ – 1 тонна синтез қилинадиган кремний оксидининг таннархи ўзбек сўмида

C – резина саноатининг кремний тўрт оксидга бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда, керакли кремний оксидининг ҳажми, тонна

$$\mathcal{E}_{\text{эфф}} = (22000000 - 17371200) \cdot 1500 = 6943200000 \text{ сўм}$$

Шундай қилиб, синтез қилинган кремний оксидини ишлаб чиқаришда кутилаётган иқтисодий самара, фойда кўринишида 6 943 200 000 сўм ёки АҚШ долларида ҳисобланса, айти кундаги доллар курси Ўзбекистонда 1 АҚШ доллари=11300 сўм бўлиб, $6\,943\,200\,000 / 11300 = 614442$ доллар (транспорт харажатларини ҳисобга олмаган ҳолда), демак йилига 614442 доллар иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин.

Резина қоришмалари учун модификацияланган фаол тўлдирувчилар ва вулконлаш тезлатгичларини олиш технологияси асосида ишлаб чиқарилган янги органик модификаторлар билан модификацияланган кремний (IV) оксидини қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида: кремний (IV) оксиди “Birinchі rezinotexnika zavodi” МЧЖ да резина қоришмалари олишда амалиётга жорий қилинган, (“Birinchі rezinotexnika zavodi” МЧЖ нинг 2023 йил 14 декабрдаги 07-1799-сон ва 2023-йил 09-февралдаги 07-11/3-179-сон маълумотномалари.) Натижада, юқори сифатли кремний оксиди импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулот сифатида қўллаш имконини берган, шу билан бирга ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тан нархини пасайтиришга олиб келган.

ХУЛОСА

1. Резина қоришмаларида фаол тўлдирувчи сифатида фойдаланиладиган юқори дисперсли кремний (IV) оксидини, бир босқичда олиш учун поликарбонат асосли полиэлектродит синтез қилинган.

2. Бир ва икки босқичда, махсус поликарбонат асосли полиэлектродит ёрдамида ва натрий силикат (суяқ шиша), сульфат кислота, кальций тузлари иштирокида кремний (IV) оксиди олиниб, органик модификаторлар билан модификацияланган.

3. Полиэлектродит иштирокида, бир босқичда олинган кремний (IV) оксиди иштирокида НТ168, 201, 301-Т1, 301-Л ва 301-Т3 маркали стандарт резина қоришмалари олинганда, резинанинг хоссалари стандарт техник кўрсаткичларга мос эканлиги аниқланиб, ушбу маркали резина қоришмаларида қўллаш тавсия қилинди.

4. Маҳаллий хомашёлар асосида вулконлаш тезлаткичлари олиниб, резина қоришмаларида фойдаланилган ҳамда ушбу маҳаллий вулконлаш тезлаткичлари импорт қилинаётган N-трет-бутил-2-бензотиазолсульфенамид тезлаткичи ўрнида қўллаш орқали резина қоришмаларининг физик-механик хоссалари юқори бўлган махсулот олинган. Шу билан бирга олинган вулконлаш тезлаткичининг 1 тоннаси учун иқтисодий самарадорлик 7,317 млн. сўм бўлиши ҳисобланган.

5. Бир босқичда полиэлектродит иштирокида суяқ шишадан модификацияланган кремний (IV) оксиди олиш технологияси ишлаб чиқилган ҳамда иқтисодий самарадорлик, ҳар бир тонна кремний оксиди учун 4,628 млн. сўм бўлиши ҳисоблаб чиқилган.

6. Органик модификаторлар билан модификацияланган кремний (IV) оксиди, физик-кимёвий хоссаларига кўра импорт қилинадиган кремний (IV) оксидидан қолишмаслиги, шу билан бирга иқтисодий самарадор эканлиги туфайли «Birinchі rezinotexnika zavodi» МЧЖнинг конвейер тасмалари ишлаб чиқаришда амалиётга жорий қилинган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ХИМИЧЕСКОЙ
ТЕХНОЛОГИИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ХИМИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ**

БОЗОРОВ АХРОР ТУРАЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА И ПРИМЕНЕНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ
МОДИФИЦИРОВАННЫХ АКТИВНЫХ НАПОЛНИТЕЛЕЙ И
УСКОРИТЕЛЕЙ ВУЛКАНИЗАЦИИ ДЛЯ РЕЗИНОВЫХ СМЕСЕЙ**

02.00.14 – Технология органических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2023

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире модифицированные органическими модификаторами оксид кремния (IV) и ускорители вулканизации, используются в резинотехнической промышленности, в производстве автомобильных шин и пластмасс, в химической промышленности, в цветной металлургии, в машиностроении, в фармацевтической и пищевой промышленности. Еще, модифицированный оксид кремния (IV) и ускорители вулканизации имеют большое значение при повышении физико-механических свойств резинотехнических и пластмассовых изделий, а также при получении устойчивых к свету и теплу лакокрасочных материалов с высокой химической стойкостью.

Сегодня в мире проводятся научные исследования по переработке, модификации и эффективному использованию полиэлектrolитов с целью улучшения свойств оксида кремния. В связи с этим особое внимание уделяется упрощению процесса синтеза модифицированного оксида кремния (IV) и разработке безопасных методов, получению и расширению областей применения новых видов оксида кремния с высокой дисперсностью, способного улучшать прочность и физико-механические свойства резиновых смесей.

В нашей республике проводятся масштабные мероприятия по производству высококачественных резинотехнических изделий, научно-практические работы, создаются новые производственные мощности, направленные на обеспечение спроса. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы определены задачи, направленные на развитие производственных отраслей, модернизацию и диверсификацию промышленности, применение на практике малозатратных и энергосберегающих методов, обеспечение устойчивости национальной экономики и увеличение доли промышленности в валовом внутреннем продукте. В связи с этим большое значение приобретают научные исследования по производству резинотехнических изделий, полимерных продуктов, лакокрасочных материалов на основе модифицированного органическими модификаторами оксида кремния (IV) и ускорителей вулканизации.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации Постановления Президента Республики Узбекистан от 6 июля 2022 года № ПП-307 приложение № 3 «Разработка технологии получения оксида кремния (IV) на основе местного сырья»¹ указанных в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан направленное на «Освоение производства совершенно новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе выпуска конкурентоспособной отечественной продукции на внешнем и внутреннем рынке», а также для поставленных задач в других нормативных правовых актах, связанных с этой деятельностью.

¹ Постановление Президента Республики Узбекистан от 6 июля 2022 года № ПП-307 «Об организационных мерах по реализации Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2022-2023 годы».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан – VII «Химическая технология и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В области по получению модифицированного оксида кремния (IV) и разработке синтеза ускорителей вулканизации проводили научные исследования зарубежные ученые такие как: Кутищева Е.С., Вавилов В.В., Габдуллин А.Н., Селяев В.П., Бочевская Е.Г., Салимжанова М.Н., Казанцова В.А., Наседкин В.В., Шабанова Н.А., Черевина Т.М., Деревянко В.В., Рахман И.А., Гао Х., Скачкова В.К., Власов В. А., Космачев П.В., Ненашева Д.Р., Мельников Б.И. и другие.

В нашей республике также проведены ряд научно-исследовательских работ по получению ингредиентов, используемых в резиновой промышленности, изучению процессов синтеза и оптимальных условий их применения, влиянию этих ингредиентов на различные свойства резиновых смесей и резинотехнических изделий. В этой области проводят научные исследования наши отечественные ученые Ибодуллаев А.С., Джалилов А.Т., Тешабаева Э.А., Нигматов С.С., Юлдашов Д.Я., Аминов Ш.С., Юсуфбеков А.Х., Нуркулов Ф.Н. и др. Их исследования основаны на получении различных ингредиентов для резиновых композиций и изучении механизмов действия на резиновые композиции.

В настоящее время проводятся научные исследования по расширению новых видов, недорогих, модифицированных оксидов кремния (IV) и ускорителей вулканизации на основе местного сырья, созданию эффективных технологий производства.

Связь темы диссертации с научно - исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.

Диссертационное исследование выполнено по плану научно-исследовательских работ Ташкентского научно-исследовательского института химической технологии в рамках практического проекта № А12-003 по теме: «Разработка технологии производства кремнийсодержащих полимеров и органических красок» (2019-2021 годы)

Целью исследования является разработка технологии получения модифицированных активных наполнителей и ускорителей вулканизации для резиновых смесей.

Задачи исследования:

синтез полиэлектролита на основе поликарбоксилата для одностадийного получения модифицированного оксида кремния (IV) в качестве активного наполнителя резиновых смесей, изучение его влияния на свойства конечных продуктов;

получение оксида кремния (IV) в одностадийном и двухстадийном порядке с использованием специальных полиэлектролитов на основе поликарбоксилатов, силиката натрия (жидкого стекла), серной кислоты, солей

